

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

БАБАХАНОВА ЗЕБО АБДУЛЛАЕВНА

**КАМЁБ ЕР ЭЛЕМЕНТЛАР, ГРАФИТ ВА ТАЛЬКЛИ ХОМАШЁЛАР
АСОСИДА ОЛОВБАРДОШ МАТЕРИАЛЛАР ВА КОМПОЗИТЛАР
ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл
материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the abstract of dissertation Doctor of science (DSc)

Бабаханова Зебо Абдуллаевна

Камёб ер элементлар, графит ва талькли хомашёлар асосида оловбардош материаллар ва композитлар ишлаб чиқаришнинг технологик асослари

3

Бабаханова Зебо Абдуллаевна

Технологические основы производства огнеупорных материалов и композитов на основе редкоземельных элементов, графита и талькосодержавшего сырья.....

27

Babakhanova Zebo Abdullaevna

Technological fundamentals of refractory materials and composites production based on rare earth elements, graphite and talc-containing raw materials.....

51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

55

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

БАБАХАНОВА ЗЕБО АБДУЛЛАЕВНА

**КАМЁБ ЕР ЭЛЕМЕНТЛАР, ГРАФИТ ВА ТАЛЬКЛИ ХОМАШЁЛАР
АСОСИДА ОЛОВБАРДОШ МАТЕРИАЛЛАР ВА КОМПОЗИТЛАР
ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл
материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.DSc/T166 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tkti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Арипова Мастура Хикматовна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гуламова Дилбар Джураевна
кимё фанлари доктори, профессор

Атакузиев Тимур Азимович
техника фанлари доктори, профессор

Искендеров Ахмед Максетбаевич
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.Т.04.01 рақамли илмий кенгашнинг «20» июль 2019 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-21; факс: (99871) 224-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (79 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-21.

Диссертация автореферати 2019 йил «06» июль куни тарқатилди.

(2019 йил «17» июндаги 2 рақамли реестр баённомаси).

С.М.Турабжанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., проф.

А.С. Ибодуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

М.Ю.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда дунё бўйича оловбардош материаллар кимё, металлургия, машинасозлик, самолётсозлик, космонавтика, ички ёнув двигателлари, озик-овқат, нефт-газни қайта ишлаш ва бошқа саноат соҳаларида кенг кўламда қўлланилмоқда. Шу билан бирга оловбардош материалларнинг юқори ҳарорат, динамик кучлар, органик ва ноорганик эритувчиларга, юқори босимга чидамли наноструктурага эга бўлган янги таркиби ва олиш технологияларини яратиш алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда юқори эксплуатация кўрсаткичларга эга оловбардош маҳсулотлар олиш усулларининг илмий асосларини яратиш, уларнинг хомашёларини физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, турли таркибли оловбардош ва композицион материаллар синтез қилиш ва ишлатиш соҳаларини кенгайтириш, шлаклар таъсирга чидамли маҳсулот олиш, оловбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда саноат чиқиндиларидан амалий фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда машинасозлик, металлургия ва кимё саноати соҳаларида янги инвестицион лойиҳалари амалга оширилиши Тошкент металлургия заводи, ҳамда маҳаллий хомашё асосида оловбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун «Сурхонкерамикс» корхонасининг ишга туширилиши, ишлаб чиқариш маҳсулотларини кўпайтириш, технологик жараёнини такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган оловбардош маҳсулот сифати ва миқдорини ошириш, хомашёни янги захираларини яратиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш»¹ вазифаси белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, оловбардош маҳсулотлар учун маҳаллий хомашёларнинг янги захираларини очиш, уларни қайта ишлаш учун замонавий технологияларни жорий этиш, юқори оловбардош ва керамик композицион маҳсулотлар олишни илғор усулларини яратишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февралдаги ПФ-2298-сон «2015-2019 йилларда тайёр буюм, бутловчи маҳсулот ва материалларни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги фармонлари, мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон фармони

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Камёб ер элементлар, графит ва талькли хомашёлар асосида оловбардош материаллар ва композитлар олиш технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, The Refractories Institute, California Institute of Technology, SGS, (АҚШ), MBE Coal and Minerals Technology GmbH (Канада), University of Padova (Италия), University of Chemical Technology and Metallurgy (Болгария), Beijing University of Technology, Wuhan University of Science and Technology, Xi'an University of Architecture and Technology (Хитой), Graphite India Limited, Nippon Graphite Industries Co. Ltd. (Индия), Seoul National University, Korea Polytechnic University (Корея), Riga Technical University, Institute of Silicate Materials (Латвия), Ural State Mining University, NITU MISiS, Россия кимё-технология университети, НИИ Графит (Россия), «Физика-қуёш» Материалшунослик институти, Умумий ва ноорганик кимё институти, Тошкент кимё-технология институтларида (Ўзбекистон).

Оловбардош материал ва композитлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: юқори оловбардош алюмопериклаз, циркон, магнезиал, динас, кремний карбид материаллар яратилган (The Refractories Institute, АҚШ), графит, каолин, тальк ва бошқа керамик қўшимчалар билан мустаҳкамлашган композитлар олиш усуллари ишлаб чиқилган (California Institute of Technology), камёб ер металл асосида металл-керамик композитлар яратилган (University of Chemical Technology and Metallurgy, Болгария), кремнийорганик бирикмалар ва актив қўшимчалар асосида замонавий «Active-Filler-Controlled Pyrolysis» (AFCOP) йўналтирилган пиролиз усуллари ишлаб чиқилган (University of Padova, Италия), графитнинг бойитиш технологиялари такомиллаштирилган (НИИ Графит, Россия; Graphite India Limited, Nippon Graphite Industries Co. Ltd., Индия), маҳаллий хомашёлар асосида динас ва муллитли оловбардош материаллар ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган (Умумий ва ноорганик кимё институти, Тошкент кимё-технология институти, Ўзбекистон), қуёш энергияси печида ўта тозаланган ва бойитилган хомашёлар асосида қийин эрувчан бирикмалар, юқори механик ва термик хусусиятларга эга бўлган техник керамик материаллар олинган («Физика-қуёш» Материалшунослик институти, Ўзбекистон).

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.elsevier.com, <https://www.ceramtec.com/>, <https://www.refractories-worldforum.com/>, <http://www.kopo.ac.kr>, <https://www.unipd.it/>, <http://northerngraphite.com>, <https://minerals.usgs.gov>, <http://www.infomine.ru>, www.akwauv.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Дунёда оловбардош материал ва композитлар олиш таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича қатор устувор йўналишларда, жумладан, хомашё структура ва таркибига боғлиқ ҳолда флотация; кимёвий; термик; магнит; гравитацион бойитиш усуллари тақомиллаштириш; оловбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш; хомашё базасини кенгайтириш; иссиқлик ва кимёвий таъсирга бардошли; керамик композицион материаллар олиш таркиби ва технологик жараёнини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Камёб ер элементлар, графит ва талькли хомашёлар асосида юқори самарадор оловбардош ва композитлар ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари бўйича P.Colombo, R.Riedel, G.D.Soraru, E.Bernardo, L.Fiocco, G.Parcianello, E.Storti, P.Greil, W.E.Lee, S.Zhang, M.Karakus, X.Li, J.Luo, Y.Zhou, C.R.Ronda, J.Chen, Y.Liu, Guojun Gao, Ning Da, G.C.Hawley, W.S.Resende, E.C.Лукин, Н.А.Макаров, А.М.Чуклая, Н.Г.Гореева, И.Д.Кашеев, К.Г.Земляной, P.Crossley, S.Moores, Н.А.Taylor, Z.Genzhao, Г.Г.Крушенко, О.Е.Горлова, О.М.Смирнов, Е.Е.Каменева, Л.С.Скамницкая, В.П.Лузин, В.И.Верещагин, А.И.Александров, В.И.Брагина, Э.Д.Безуглов, Р.А.Хамидов, Н.Т.Ходжаев, А.М.Эргешов, М.Х.Хакбердиев, А.А.Исмаатов, М.Х.Арипова, А.А.Эминов, Р.И.Абдуллаева, З.Р.Кадырова, М.Хўжамбердиев, П.А.Арифов, К.Ф.Таджиев ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Улар томонидан оловбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хомашё базалари ва уларни бойитиш усуллари, минерал хомашё ва оловбардош кўшимчалар асосида анъанавий қаттиқ фазада пишириш усулида динас, юқориглинозёмли, шамотли, шпинелли, корундли оловбардош ва композитлар олишнинг технологик жараёнлари ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга графит ва талькли хомашёлар базасини ўрганиш, уларни бойитиш бўйича, бойитилган хомашё ва саноат чиқиндилари асосида микро- ва наноструктуралари оловбардош керамик ва композицион материалларни, ҳамда йўналтирилган пиролиз усули асосида оловбардош ва люминесцент материаллар ишлаб чиқариш технологияси яратишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А12-ФҚ-1-10853 «Сурхондарё вилояти Рупат кони кварц-графит сланецлари асосида графитли керамик материаллар ишлаб чиқариш» (2012-2014 йй.) ва ОТ-А12-06 «Металлургия саноати учун юқори эффектив оловбардош композицион керамик материаллар яратиш» (2017-2018 йй.) амалий лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади камёб ер элементлар, графит ва талькли хомашёлар асосида оловбардош материаллар ва композитларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий хомашёлар ва графит намоёндаларининг графитланган сланец-

ларини физик-кимёвий ҳоссалари ва тузилишини, ҳамда бойитиш усулларини тадқиқ қилиш;

графит- ва талькли керамик материал ва композитларнинг синтез жараёнларини, уларнинг структура, физик-кимёвий ҳоссаларини, ҳамда керамик маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг оптимал параметрларини аниқлаш;

кремнийорганик бирикмалар ёрдамида оловбардош керамик композитлар синтез қилиш жараёнларини ва камёб ер элементлар тутган люминесцент керамик материаллар синтезининг оптимал шароитларини аниқлаш;

синтез қилинган керамик материал ва композитларда таркиб-структура-ҳоссалар ўртасидаги корреляция қонуниятларини ўрганиш;

графит- ва талькли керамик материал ва композитларнинг синтез жараёнларини математик режалаштириш;

маҳаллий хомашёлар асосида янги оловбардош керамик материал олиш таркиби ва технологик жараёнини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон графитли хомашёси, бойитилган графит концентрати, тальк-магнезит, каолин, глинозёмли хомашё материаллари ва ишлаб чиқариш чиқиндилари, кремнийорганик бирикмалар, керамик ва композицион материаллар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тажриба керамик материаллар ва композитларнинг физик-кимёвий ҳоссалари ва структураси, графитли хомашёларни бойитиш жараёнлари, графит- ва талькли керамик материаллар ва камёб ер элемент тутган люминесцент материал олишда технологик кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва физик-кимёвий ҳоссалари ўзгариш қонуниятларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Комплекс тадқиқот усуллари, жумладан кимёвий, микроскопик, термографик, рентгенографик, электрон-микроскоп, УВ-спектроскопик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юқори оловбардошлик ва шлакка чидамли керамик материал ва композитлар олиш учун маҳаллий хомашёлар графит ва графитли сланецлар, Зинельбулок тальк-магнезитининг физик-кимёвий ва структуравий ҳоссалари ҳамда бойитиш технологиялари ишлаб чиқилган;

графитли сланецларнинг бойитиш даражаси ва тезлигига технологик омилларининг таъсири исботланган;

графит-керамик материалларни турли шароитларда синтез қилиш усуллари, синтез қилинган материаллар структураси ва ҳоссаларига компонентларнинг таъсири, юқори оловбардош ва шлакка чидамли керамик материаллар олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

маҳаллий хомашё ва оловбардош тўлдиргичлар асосида $MgO-Al_2O_3-SiO_2$ системасида математик режалаштириш ёрдамида янги турдаги графит ва талькли керамик материалларнинг фазалар ҳосил бўлишига турли компонентларнинг корреляцион таъсири исботланган;

кремнийорганик бирикмалар ёрдамида «Active-Filler-Controlled Pyrolysis» (AFCOP) йўналтирилган пиролиз технологияси усулида техник ва оловбардош керамик материаллар олиш жараёнининг қонуниятлари ўрганилган ва илк бор бир босқичли технология бўйича камёб-ер элементлар тутган иккита спектр

диапазонда нурланувчи люминесцент материал олиш технологияси ишлаб чиқилган;

каолин-графит системасида муллитли оловбардош графиткерамик маҳсулотлар ишлаб чиқариш таркиби ва технологияси яратилган;

маҳаллий хомашёлар асосида оловбардош графиткерамик ва форстеритли маҳсулотлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий графитли хомашёларни бойитишнинг самарали технологик кўрсаткичлари аниқланган ва Захчахона графитли хомашёсидан давлат андоза талабларига жавоб берадиган графит концентрати олинган;

маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида графиткерамик, шпинел-корунд ва форстеритли оловбардош керамик материаллар ишлаб чиқилган ва уларнинг юқори оловбардошлиги, ҳамда шлакга чидамлилиги исботланган;

оловбардош материаллар ишлаб чиқаришнинг самарадор технологик кўрсаткичлари аниқланган;

камёб-ер элементлар ва кремнийорганик бирикмалар асосида техник керамик материал ва композитларни самарали таркиблари ва ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

маҳаллий каолин, тальк-магнезит ва графит асосида графиткерамик ва форстеритли оловбардош материаллар олишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилда фойдаланилган замонавий физик-кимёвий комплекс таҳлил усуллари, оловбардош материалларнинг давлат андоза талабларига асосан таҳлил қилиш усуллари, лаборатория-технологик ва ярим-саноат ишлаб чиқариш синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти графит- ва талькли керамик материал, ҳамда камёб ер металлари ва кремнийорганик бирикмалар асосида наноструктурали композитларни турли шароитларда синтез қилиш натижасида таркиб-структура-ҳосса ўртасидаги боғлиқликлар аниқлангани ва илмий, кимёвий, физик-кимёвий технологик тадқиқотлар тизимлаштирилганлиги, шунингдек, фаол тўлдиргичлар иштирокида йўналтирилган пиролиз усули билан юқори термик ва оптик хусусиятли композитлар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Захчахона графитли хомашёлар асосида кондцион маҳаллий графит концентрати олинганлиги ва маҳаллий графит, тальк-магнезит ва каолин асосида оловбардош ва шлакка чидамли керамик материаллар, ҳамда техник наноструктурали композитларнинг самарадор таркиблари ва ишлаб чиқариш технологиясини ўз ичига олган энергия тежамкор технологиялари таклиф қилинганлиги ва графиткерамик маҳсулотлар ишлаб чиқаришда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Графит ва талькли хомашёлар асосида оловбардош ҳамда шлакка чидамли материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий натижалар асосида:

маҳаллий хомашёлар асосида юқори оловбардош форстеритли ва графиткерамик маҳсулотлар олиш технологик шартлари «Узкимёсаноат» АЖ низомининг 67-бандига асосан «Огнеупор» савдо-саноат корхонаси томонидан тасдиқланган («Узкимёсаноат» АЖнинг 2014 йил 16 октябрдаги 114-сон буйруғи). Натижада маҳаллий хомашёлар асосида яратилган оловбардош форстеритли ва графиткерамик маҳсулотлар олиш имконини берган;

маҳаллий хомашё графитли сланецни бойитиш технологияси «Огнеупор» савдо-саноат корхонасида амалиётга жорий этилган («О‘зсаноатқурилишmateriallari» уюшмасининг 2019 йил 15 майдаги 03/06-358-сон маълумотномаси). Натижада хориждан олиб келинадиган графитли композицияни 100% алмаштириш имконини берган;

графиткерамик ва шпинел-корунд оловбардош материаллар таркиби ва олиш технологияси «Огнеупор» савдо-саноат корхонасида амалиётга жорий этилган («О‘зсаноатқурилишmateriallari» уюшмасининг 2019 йил 15 майдаги 03/06-358-сон маълумотномаси). Натижада графиткерамик ва шпинел-корунд материаллар асосида янги турдаги юқори оловбардош ва шлакка чидамли буюмлар ишлаб чиқиш имконини берган;

маҳаллий хомашёлар асосида графиткерамик маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси Фарғона вилояти «Мадаминов М.М.» ХТ ғишт ишлаб чиқариш корхонасида амалиётга жорий этилган («О‘зсаноатқурилишmateriallari» уюшмасининг 2019 йил 15 майдаги 03/06-358-сон; «О‘зқурилишmateriallariLITI» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг марказининг 2019 йил 24 майдаги 52-сон маълумотномалари). Натижада маҳаллий графит асосида олинган юқори оловбардош ва шлакка чидамли ғиштнинг тан нархини 6 баробар камайтириш ва ишлаш вақтини 1,5 баробар ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 9 та халқаро ва 15 та Республика илмий-техника анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Ушбу диссертация мавзуси бўйича 48 та илмий иш чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия қилинган илмий нашрларда 13 та мақола, шундан 6 та республика ва 7 та чет-эл журналларида нашр қилинган. Халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида 35 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 186 босма матнда баён қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари асосланган; объекти ва предмети белгиланган, республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг

амалиётга жорий қилиш ва чоп этиш, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи. Юқори самарадор оловбардош материал ва композитлар олишнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида янги турдаги юқори самарадор керамик материаллар ва композитлар, хомашё материаллари ва функционал керамика ишлаб чиқаришнинг замонавий усуллари, ҳамда графитли рудалар ва уларни бойитиш усуллари бўйича адабиёт илмий-техникавий ва патент таҳлили келтирилган. Оловбардош материаллар ишлаб чиқариш янги юқори самарадорликка эга таркиблар ва энергия тежамкор технологияларни яратиш, хомашёларни юқори талабларга жавоб бериши ва бойитиш технологияларини ривожланиши, маҳсулот таркибида юқори миқдорда ўта тозаланган ва бойитилган хомашёлар, синтез қилинган қийин эрувчан бирикмалар, графит ва графитли материаллар қўшиш зарурлиги кўриб чиқилиган. Эълон қилинган ишларни таҳлил қилиш натижасида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг «**Аппаратура, оловбардош, композицион материаллар хоссаларини физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, хомашёларни танлаш**» деб номланган иккинчи бобида оловбардош ва композицион материаллар синтез ва таҳлил қилиш методикалари келтирилган, хомашёларни танлаш бўйича маълумотлар берилган. Материаллар кимёвий-минералогик таркиби, структура ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлашда комплекс тадқиқот усуллари, жумладан кимёвий, микроскопик, термографик, рентгенографик, электрон-микроскоп, УБ-спектроскопик таҳлил усуллари, ҳамда давлат андоза талаблари асосида анъанавий физик-техник синов тажриба методикалардан фойдаланилган.

Оловбардош шлакга чидамли материаллар олиш учун маҳаллий хомашёлар графитли сланецлар, Зинельбулоқ тальк-магnezити, Ангрен бойитилган каолини, ҳамда ноорганик қўшимчалар - куйдирилган периклаз ППЭ-87, электрокорунд, Шуртон газ-кимё мажмуасининг юқори глинозёмли чиқиндиси танланган. Йўналтирилган пиролиз усули асосида оловбардош ва люминесцент материаллар олишда кремний-органик бирикмалар ва реактив моддалардан фойдаланилган.

«**Ўзбекистон графит ва талькли хомашёларини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобда Ўзбекистон графит- ва талькли хомашёларни ўрганиш натижалари келтирилган.

Ўзбекистон графитли сланец кони ва намоёндаларини асосий хусусиятлари. Ўзбекистонда қидирув ва геология тадқиқотлари асосида Тасказган кони ва 50 дан ортиқ графит намоёндалари аниқланган. Барча графит намоёндалари деярли ўрганилмаган.

Металлургия ва оловбардош ишлаб чиқаришлар талабига жавоб берадиган графит турларини топиш мақсадида Тасказган кони ва илгари ўрганилмаган Рупат, Заучак, Букантау ва Захчахона графитли хомашёлари тадқиқот объекти сифатида танланди.

Тасказган графит кони Навоий вилоятида жойлашган, таркиби бўйича оҳактошлар ўртасида жойлашган контакт ва қатламлараро габброид жинсларига таълуқли. Узунлиги 20-100 дан 600 метргача ва кучланиши 0,5-5 дан 60-90 метргача жинслардан иборат Тасказган кони графитлари майда заррачалиги

муносабати билан оловбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноати талабларига жавоб бермайди ва металлургия, қуйиш жараёнлари, электр-қўмир, электрод, кимё ва бошқа саноат соҳаларида қўлланиш учун тавсия этилади.

Букантау графит намоёндаси Навоий вилояти Марказий Қизиқумда жойлашган, таркиби бўйича кварц-серицит ва графит (2-5%) ҳамда доломитдан ташкил топган. Углеродли компонент тоғ жинсида майда дисперли аморф агрегатлар ва ингичка (0,001-0,03 мм) графит тангачалар шаклида учрайди. Графит кристаллари ўлчамлари оловбардош маҳсулот ишлаб чиқариш талабларига жавоб бермаслиги, лекин металлургия, қуйиш жараёнлари, мой-суртма ва бошқа материаллар тайёрлашда қўлланиши мумкинлиги аниқланган.

Рупат графит намоёндаси Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида, Рупат ва Хурсандарё сув хавзалари, Сангардак қишлоғидан 6,5 км шимолда, Хўжаосман қишлоғидан 3,5 км жанубий-ғарбда жойлашган. Намоёнда кучланиши 2,5 м ва узунлиги 5 км ни ташкил этади. Графитланган тоғ жинслари турли микдорда графит тутган кварц-хлоритли плагиосланецлардан ташкил топган. Графит ўлчамлари 1 мм гача бўлган қатламли тангачасимон агрегатлар ва слюда кристаллари билан чегаралашган 0,001-0,1 мм ли майда тангачалар кўринишида учрайди. Графитни бойитиш учун флотацион жараён танланди.

Заучак графит намоёндаси Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида, Дибадам қишлоғидан 9 км ва Рупат намоёндасидан 14 км узоқликда жойлашган. Графитнинг минерализацияси бир неча юз метрга тарқалган. Рупат каби Заучак намоёндаси юқори тоғли худудда жойлашган, лекин иқтисодий жihatдан Заучак истиқболли ҳисобланади. Аниқланган тоғ жинсларининг минералогик таркиби: кварц 70-95 %, плагиоклаз -15%, серицит-хлорит - 1-10 % ва графит 5 %.

Захчахона графит намоёндаси Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз туманида, Захчахона тоғларининг жанубий ёнбағрида 2700 дан 3400 метргача абсолют баландликда жойлашган. Захчахона намоёндаси Гелен қишлоғи яқинида жойлашган ва Китоб темир йўл бекати билан боғланган. Намоёнда 3 км узунликдаги ўртача қалинлиги 145 м бўлган интенсив графитланган тоғ жинсларидан иборат бўлиб, марказий қисмида максимал қалинлик 450 м ташкил этади. Тадқиқотлар натижасига кўра бу намоёнда ўртача конлар турига (графитнинг прогноз ресурслари - 10,6 млн.т.) мансуб, руда таркибида графитнинг ўртача микдори 3,95 % ни ташкил этиб, бу турдаги хомашё учун саноат талабларига жавоб беради.

Тасказган кони, Рупат, Букантау, Заучак, Захчахона намоёндалари графитли сланецларининг кимёвий ва минералогик таркибининг ўрганиш натижасида уларни бойитиш усуллари ишлаб чиқилди.

Зинельбулоқ кони тальк-магнезити магнезиал хомашё сифатида керамик материаллар синтезида қўлланилган. Қорақалпоқ Республикасининг Қораузок ва Беруний туманларида жойлашган Зинельбулоқ кони тальк-магнезити захираси 200 минг тоннани ташкил этади. Тальк-магнезитнинг структурасидаги юқори ҳароратли ўзгаришларни аниқлаш мақсадида материал турли ҳароратларда қуйдирилган ва рентгенфазавий, ҳамда сканерли электрон-микроскопик (СЭМ) таҳлил ёрдамида ўрганилган.

СЭМ ёрдамида 1000°C да куйдирилган тальк-магнезитнинг ўрганиш натижасида темирнинг асосий қисми MgO билан магнезиовюстит таркибида боғлиқлиги, магнезиовюстит эриш ҳарорати 2500°C бўлганлиги учун материалнинг оловбардош ҳоссаларига салбий таъсири аниқланмади. Тальк-магнезитнинг бойитиш жараёни хомашёнинг қайтарувчи муҳитда 1000°C да куйдириш ва магнит бойитиш ёрдамида бажарилган, бойитилган тальк таркибида Fe₂O₃ миқдори 2,5 мас.% ташкил этиши аниқланган.

«Графитли сланецларнинг бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобда Рупат, Заучак ва Захчахона графитли сланецларининг бойитиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Рупат кварц-графитли сланецларнинг бойитиши. Рупат кварц-графитли сланецларни бойитиш учун флотация жараёни танланган. Флотация керосин, суюқ шиша, сосна ва солярка мойи, сульфат кислота ёрдамида бажарилган. Бойитиш натижасида агрегатлар ўлчамлари бошланғич рудага қараганда 8-10 мартаба майдалашган: графит концентратида кристалл ўлчамлари 0,00015 мм -0,05 мм лиги аниқланган. Концентратлар кул қолдиғи бўйича (40-60%) қуйиш жараёнда қўлланиладиган графит талабларига жавоб бериши аниқланган ва металлургия саноатида қўлланишга тавсия этилган.

Заучак кварц-графитли сланецларнинг бойитиши. Графитланган сланецнинг флотацион бойитиш натижасида металлургия қуйиш жараёнида қўлланиладиган графит концентрати (40% кул қолдиғи) олинган.

Хомашёни бойитиш натижасида ҳосил бўлган флото-чиқиндининг минералогик таркиби таҳлил қилинган ва уни керамик масса тошсимон компонентлари ўрнига қўшиш натижасида М150-маркали курилиш ғишти олиш технологияси ишлаб чиқилган. Флото-чиқиндиларни қўллаш чиқиндисиз технологияларни жорий этиш ва графит бойитиш корхоналари атрофида экологик ҳолатни яхшилашга имкон беради.

Захчахона графитли сланецларнинг бойитиш жараёни. Графитни бойитиш учун тўғридан-тўғри флотация жараёни танланган ва флотация жараёнига турли факторларнинг таъсири ўрганилган: муҳитнинг рН, депрессор, коллектор, кўпик ҳосил қилувчи миқдорлари, флотация давомийлиги, суспензияда қаттиқ модда миқдори; руда заррачаларининг ўлчамлари. Флотация жараёнининг оптимал параметрлари аниқланган: рН=8, керосин - 500 г/т, сосна мойи - 400 г/т; суюқ шиша 500 г/т, флотация давомийлиги - 10 мин, пульпада қаттиқ фаза миқдори - 10%.

Ишлаб чиқилган флотацион бойитиш схемаси асосида 25% кул қолдиғи бўлган графит концентрати (ГК-1) олинган, унинг кимёвий бойитиш натижасида кул қолдиғи 9,7 % бўлган графит концентрати олиниб (ГК-2 концентрати), ГОСТ 17022-81 талаблари бўйича бу ТГ-3 оловбардош тигел графити маркасига қўйиладиган талабларга жавоб бериши аниқланган (1-жадвал).

2-жадвалда келтирилган ГК-2 графит концентратининг гранулометриқ таркиби қуйидагича: йирик кристаллик фракциялар +500 -300, +300 -90 мк ГОСТ 17022-81 талаби бўйича ТГ-3 (тигел графити) (2-жадвал), майда кристалли фракциялари эса +90 -63, +63 -63 мк - ГЭ-3, ГЭ-4 (элемент графит), ҳамда ГЛ-1 дан ГЛ-3 гача (қуйма графит) маркаларига жавоб беради.

1-жадвал

Бойитилган графит концентрати (йирик кристаллик фракция) ва ГОСТ 17022-81 бўйича графит ТГ-3 тигел маркази хоссалари ва таркиби

Кўрсаткич номи	ГК-2 графит концентрати	ТГ-3 маркали графит
Кул миқдори, %	9,7	<10,0
Темирнинг миқдори, Fe ₂ O ₃ ҳисобида, %	0,3	<1,6
Учувчан модда миқдори, %	1,1	<1,5
№ 02 сеткада қолдиқ, % дан кам эмас	75	75
Намлик, %	0,2	1,0

2-жадвал


Графит концентрати гранулометрик таркиби

Фракция, заррача ўлчами, мк	Масса, г	Фракция массаси, %	С умумий миқдори, %	Фракциялар бўйича С миқдори, %
+500 -300	1,331	2,0	90,3	2,1
+300 -90	1,997	3,0	93,5	3,8
+90 -63	12,646	19,0	90,1	19,3
+63	16,640	25,0	89	24,6
-63	33,945	51,0	88	50,2
Жами	66,559	100	90,2	100

Графитнинг кристаллик даражасини аниқлаш ва концентратдаги аморф углерод миқдорини билиш учун рентгенграфик таҳлил усулидан фойдаланилган. Графитли сланец ва бойитилган графит концентрати рентгенографик таҳлили 1-расмда келтирилган: ГК-2 графит концентрати таркибида графит С - 90,3; кальцит CaCO₃ - 6,2 ва кварц SiO₂ - 3,5 мас.% мавжуд.

Графит элементар ячейкасининг ўрта арифметик ўлчамларининг: $\bar{a}=0,2467$ нм; $\bar{c}=0,6741$ нм адабиётда келтирилган маълумотлар билан солиштириш (№00-04101487, Match!

дастури картотекаси): $a=0,2470$ нм; $c=0,6724$ нм яхши корреляцияни кўрсатди: $\Delta a=0,0003$ нм; $\Delta c=0,0017$ нм. Бу эса ўз ўрнида ГК-2 концентратида графитнинг структураси юқори тартиблиги ҳақида маълумот беради.



◆ -кальцит, ▲ -кварц ■ -графит

1-расм. Графитли сланец ва бойитилган графит концентрат ГК-2 дифрактограммалари (Захчахона намоёндаси)

Натижада 1 кг графит концентрати олиш учун 1672 сум сарф этилган ва ушбу технология чет элдан импорт қилинаётган кристаллик графитдан 5,7 баробар иқтисодий самарадорлиги натижасида валюта миқдорини тежашга имкон берган.

«Графитли материаллар таркиби, хоссалари ва структурасини ўрганиш» деб номланган бешинчи бобда графитли керамик материаллар ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.


Каолин-графит системасида фазалар ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш. Каолин-графит системасида юқори ҳароратли синтез давомида инерт азот муҳитида фазалар ҳосил бўлиш жараёнлари ўрганилган. Синтез қилинган материаллар физик-механик хоссалари керамик массанинг кимёвий таркиби билан боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланган: 40 мас.% дан юқори графит тутган таркиблар юқори ғоваклик ва сув ютувчанликга эга (5,8 дан 8,8% гача), бу эса композицияларнинг оловбардош ва шлакка чидамлик хоссаларига салбий таъсир кўрсатади.

Таркибида 5 дан 25 мас.% графит тутган керамик материаллар оптимал хоссаларга эга: ғоваклик 3,9 - 4,9 %; сув ютувчанлик - 1,6- 2,1 %, туюлувчан солиштирма оғирлик - 2,356 - 2,402 кг/м³.

Графит миқдори ўсиши билан моддаларда кристобалитнинг миқдори пасайиб (2-расм), муллитнинг миқдори ўсиши кузатилади. Аммо графитнинг миқдори 30 мас.% дан ошган ҳолда муллит ҳосил бўлиш жараёни кескин секинлашиб, силлиманит ҳосил бўлиши тезлашади.

Барча таркибларда асосий кристалл фаза сифатида муллит, силлиманит ва графит хизмат қилиб, кичик миқдорда анортит, кристобалит ва алюминий нитриди ҳосил бўлиши ҳам кузатилган. Графитни юқори миқдорда тутган таркибларда кучли қайтарувчи муҳит ҳосил бўлиши натижасида алюминий нитриди синтези намоён бўлади, бу эса муллит кристаллизация жараёнини секинлаштиради.

Термик ишлов беришнинг қисқа муддатли бўлганлиги муносабати билан (1 с.), намуналарда муллит ҳосил бўлиш жараёни тўлиқ ўтмайди ва баъзи қисми силлиманит ҳолатида кристаллизацияга учрайди. Ушбу хулосалар Н.Schneiderга маълумотлари билан ҳамохангдир, унга кўра Al-Si нинг турли миқдор нисбатларида муллит кристали $Al_2(Al_{2+2x}Si_{2-2x})O_{10-x}$ таркибли қаттиқ қотишма сифатида ҳосил бўлиши кузатилади, бу ерда x кўрсаткичи 0 дан 0,9 гача диапазонида ўзгариши мумкин (55 - 90 мол.% Al_2O_3). x=0 ҳолларда силлиманит кристалл фазаси; x=0,25 бўлган ҳолда – муллит $3Al_2O_3 \cdot 2SiO_2$ фазаси, x=0,4 ҳолатида - $2Al_2O_3 \cdot SiO_2$ таркибли муллит фазаси кузатилади. Термик ишлов бериш жараёнини давомийлигини ошириш силлиманит кристалл панжарасининг муллит кўринишига ўтишига ёрдам беради.



2-расм. Синтез қилинган материалларда графит миқдори ўсиши билан муллит ва силлиманит фазалар миқдорини ўзгариши

Муллит ҳосил бўлиш жараёнининг ўрганиш натижасида синтез қилиш ҳарорати ва мухити билан боғлиқ ҳолда турли металл катионлари ва бошқа қўшимча атомларни муллит кристалл панжарасига бирикиши аниқланган. Ю.В.Пимков ва А.А.Бирюковага тадқиқотларига асосан, баъзи модификатор оксидлар муллит кристалланиш жараёнини жадаллаштириб, пастроқ ҳароратларда муллит ҳосил бўлишни таъминлайди. Муллитнинг ўзига ҳослиги бу унинг изоморф алмашинув натижасида қаттиқ эритмалар ҳосил қилиш имкониятини берувчи температурага чидамли нуқсонли структура тузилишидир. Бу фактор муллитли материалларнинг ишқорий ва ишқорий ер метал оксидлари тутган табиий хомашёлар асосида синтез қилинишида муҳим рол ўйнайди. Ушбу анъанавий ҳолда эритгич ҳоссаларга эга бўлган қўшимча оксидларни муллит кристалл структурасида боғлаш имкониятлари юқори сифатли оловбардошлар олишга имкон бериши аниқланган.

«Огнеупор» корхонасида намуналарнинг оловбардошлиги 1770 °С дан юқорилиги аниқланган ва уларнинг юқори оловбардошлиги тасдиқланган. Шлакка бардошлик 1500 °С ҳароратида Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати металлургик шлаки таъсирида ўрганилган, таркибида 5 - 15 мас.% графит тутган намуналар шлакка бардошлиги юқорилиги аниқланган ва оптимал деб танланган. Синтез қилинган графитли алюмосиликат материаллар қора ва рангли металллар куйишда қўлланадиган тигел ва махсус ғиштлар ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичи маҳаллий бойитилган графит руда ва концентратлар асосида графитли материаллар синтези ва фазалар ҳосил бўлиш жараёнини ўрганишга бағишланган. Синтез жараёнлари ҳавода оксидланиш ва қайтариш мухитларида ўрганилган.


Каолин-графит системасида Рупат намоёндаси бойитилган графитли сланецлари асосида оловбардош материаллар синтези. АКФ-78 Ангрэн бойитилган каолини, Рупат намоёндаси бойитилган графитли сланецлари (массалар таркибида 10дан 50 мас.% гача) ва шамот асосида шамотли оловбардошлар синтез қилинган. Намуналар силит қиздиргичли лаборатория электр печида 1300 °С ҳароратда 1 соат давомида кокс остида куйдирилган (графитни оксидланишдан сақлаш учун).

Куйдирилган намуналарда асосий кристалл фаза сифатида муллит ҳосил бўлиши, озгина миқдорда кварц ва α -кристобалит мавжудлиги аниқланган. Синтез қилинган материалларнинг оловбардошлиги муллитнинг миқдорига, ҳамда юқори миқдорли глинозем ва кристобалитли шишасимон фаза таркибига боғлиқлиги аниқланган. Муллит керамик материалларнинг кимёвий ва термик бардошлигини, ҳамда уларнинг оловбардошлигини таъминлаши тасдиқланган.

Оптимал физик-механик кўрсаткичлар Рупат бойитилган графитли сланецнинг 10-20 мас.% миқдоридаги таркибларда аниқланган: Al_2O_3 миқдори - 28-31 мас.%; «Огнеупор» корхонасида аниқланган оловбардошлик - 1750 °С; очик ғоваклик - 4-8 %. Синтез қилинган шамотли керамик материаллар ГОСТ 11586-2005 бўйича ШС-28 маркали оловбардошга жавоб бериши тасдиқланган (ШС-28 маркаси учун Al_2O_3 миқдори - 28 мас.% дан юқори; оловбардошлик - 1670°С дан юқори; очик ғоваклик - 15 % дан паст бўлиши керак).

Каолин-графит системасида Захчахона графит концентрати асосида оловбардош материаллар синтези. Захчахона бойитилган графит концентрати (таркибда 10-50 мас.% миқдорида) асосида графиткерамик материаллар синтез қилинган. Намуналар силит қиздиргичли лаборатория электр печида 1400°С ҳароратда 1 соат давомида қайтарувчи муҳитда куйдирилган.

Синтез қилинган намуналарнинг кристалл фазаси муллит ва анортит фазалардан ташкил топганлиги аниқланган. Таркибларда СаО (таркибга қараб 0,83 - 1,79 % миқдорида) мавжуд бўлиб, у муллит ҳосил бўлиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши ва юқори ҳароратли синтез давомида алюмосиликат - анортит таркибида боғланиб кетиши аниқланган. Углероднинг миқдори ўсиши билан анортитнинг интенсив кристаллизацияси кузатилади, боғловчи фаза таркибида кварц эриши намён бўлади. Тадқиқотлар натижасида СаО метакаолинитдан ҳосил бўлган кристобалитнинг кристаллизация жараёнини секинлаштириши ва намуналарни зарарли кескин кенгайиш жараёнидан асраши тасдиқланган.



- 1- хомашё бункерлари, 2- жағли майдалагич, 3- питатель, 4- қуритгич барабани, 5 - шарли тегирмон, 6- элак, 7 - тўплаш бункери, 8 - болғали майдалагич, 9 - аралаштиргич, 10- гидравлик пресс, 11 - вагонеткалар, 12 - туннель печи, 13 - қуритгич печи, 14 - тайёр маҳсулот омбори

3-расм. Графиткерамик маҳсулот ишлаб чиқариш технологик схемаси


Графит концентрати 10 мас.% бўлган оптимал таркиб минимал сув ютувчанлик, ғовақлик ва юқори солиштирма оғирликга эга бўлиб, оловбардошлиги 1750°С дан юқорилиги аниқланган. Тадқиқотлар натижасида графиткерамик маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологик схемаси (3-расм) ва технологик регламент ишлаб чиқилган («Огнеупор» ССКнинг 2014 йил 30 сентябрдаги регламенти).

Ушбу графиткерамик маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси Фарғона вилояти «Мадаминов М.М.» ХТ ғишт ишлаб чиқариш корхонасида ярим-саноат шароитида жорий қилинган («Мадаминов М.М.» ХТнинг 2019 йил 15 апрелдаги

далолатномаси, «O‘zsanoatqurilish materiallari» уюшмасининг 2019 йил 15 майдаги 03/06-358-сон маълумотномаси). Натижада Захчахона графити асосида олинган юқори оловбардош ва шлакка чидамли ғиштнинг тан нархи 5051 сумни ташкил этган ва чет элдан келтириладиган графиткерамик ғишт нархидан 6 баробар иқтисодий самарадорлиги аниқланган («Мадаминов М.М.» ХТнинг 2019 йил 6 майдаги маълумотномаси).

«Шлакка чидамли магнезиал-корундли оловбардош керамик материал ва композитлар яратиш» деб номланган олтинчи бобда шлакка бардош керамик материалларни экспериментларни математик режалаштириш асосида бажарилган тадқиқот ишлар натижалари келтирилган.

Белгиланган ҳоссаларга эга бўлган графит- ва талькли шлакка бардош керамик материаллар олишда экспериментларни математик режалаштириш. Олдиндан белгиланган физик-механик ва кимёвий ҳоссаларга эга бўлган оловбардош керамик материаллар олиш мақсадида Ca-O, Mg-O, Al₂O₃-SiO₂, MgO-Al₂O₃-SiO₂, CaO-Al₂O₃-SiO₂, CaO-MgO-SiO₂ ҳолат диаграммалари ўрганилган. Таҳлил натижаларига кўра, оловбардош композициялар тузишда MgO, Al₂O₃, SiO₂ асосидаги системалардан фойдаланиш ҳамда шлакка бардошликни таъминлаш учун графит кўшиш зарурлиги аниқланган.



4-расм. «Каолин-тальк-графит» уч компонентли системада зичликни симплекс-режалаштириш натижалари

Керамик массаларда графитнинг оптимал миқдорини аниқлаш учун экспериментларни математик режалаштириш усулидан фойдаланилган.

Текшириляётган системаларда хомашё материаллар (графит, каолин, тальк, қўшимчалар), турли гранулометрик таркибга эга бўлган кукунлар аралашмасидан иборат.

Керамик масса таркиби компонентларнинг концентрацияси - масса улуши (фоизи) z_i билан белгиланади, шунда $0 \leq z_i \leq 1$ ва $\sum_{i=1}^n z_i = 1$.

Кўп компонентли аралашмаларнинг оптимал таркибларини

аниқлаш учун энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилди, бунда бирламчи параметрлар сифатида материалларнинг белгиланган хоссалари қўлланилди.

Аралашма таркибини математик моделлаштириш усули материалларнинг оптимал зичлигини аниқлаш ҳамда кимёвий таркиб билан биргаликда бу композицияларнинг шлакка чидамлилигини таъминлашга имконият беради.

Керамик массалар қўйидаги таркиблари ўрганилди: x_1 - каолин, x_2 - тальк, x_3 - графит; y_1 - зичлик. Зичлик қўйидаги кўрсаткичлар чегарасида белгиланди: $U = 2600-2900 \text{ кг/м}^3$. Таркибларни оптималлаштириш учун {3,3} симплекс-решётка планидан фойдаланилди. Учкомпонентли системада режада экспериментлар сони: $N = 2^q - 1 = 2^3 - 1 = 7$ ва эркинлик даражаси сони $S_y = 7$.

4-расмда учкомпонентли системада зичликнинг ҳисобланган кўрсаткичлари келтирилган. Асосий эътиборни графит 5 дан 20 мас.% гача бўлган таркибларга қаратиш керак, чунки графитнинг кўпроқ миқдорлари керамик массани зичлигини кескин пасайишига ва ғовакликни ўсишига олиб келади. Бу эса ўз вақтида керамик материалларни шлакка бардошлигини пасайтиради ва суюқ шлаклар таъсирида уларнинг бузилишига олиб келади.

Каолин-талък-графит системасида шлакка чидамли композициялар синтези. Шлакка чидамли оловбардош материаллар синтези учун $MgO-Al_2O_3-SiO_2$ системасининг форстерит, шпинел ва корунд кристаллизация областлари танланди. Бунда илмий тадқиқотлар таҳлили ва Ўзбекистон хомашё базасига асосланиб, хомашёлар сифатида маҳаллий каолин ва талък-магнезит танланилди.

Каолин ва талък асосида тайёрланган массаларнинг учкомпонентли ҳолга келтирилган таркибларини назарий таҳлил қилиш натижасида оловбардошнинг эксплуатация шароитида асосий кристалл фазалари ва суюқ фаза миқдорини аниқлашга имконият беради. Оловбардош композицияларнинг ҳоссаларини режалаштириш мақсадида хомашё ва керамик масса таркиблари уч компонентли система ҳолатига олиб келинди. Шунда композицияларга графитнинг кўшиш уларнинг шлакка бардошлигини ошириши ва янги кристалл фазалар ҳосил қилмаслиги аниқланди.

Зинельбулак талък-магнезители ва АКФ-78 Ангрэн каолини асосида тузилган таркиблар (№40-49) таҳлил қилинганда, улар $MgO-Al_2O_3-SiO_2$ системасида оловбардош бўлмаган кордиерит ва сапфирин кристаллизация областларида жойлашиши аниқланди (5-расм) ва материаллар оловбардошлигини таъминлаш мақсадида кейинги тадқиқотларда таркибларга ноорганик кўшимчалар кўшилди.

Оловбардош ва шлакка чидамли керамик материаллар олиш учун $MgO-Al_2O_3-SiO_2$ системасида форстерит кристаллизация областида MgO миқдори юқори бўлган таркиблар (№ 51-58) ҳамда шпинел кристаллизация областида Al_2O_3 миқдори юқори бўлган таркиблар (№ 70 - 79) тузилди.

Форстеритли керамик материаллар олиш учун (№ 51-58 таркиблари) бойитилган Зинелбулоқ талък-магнезители, АКФ-78 Ангрэн каолини ва куйдирилган периклаз ППЭ-87 қўлланилди. Керамик намуналар силит қиздиргичли печда $1350^{\circ}C$ ҳароратда 1 соат давомида куйдирилди. Куйдирилган намуналарнинг минералогик таркибини рентгенфазавий таҳлил натижалари 6-расмда келтирилган.

Оптимал деб танланган 53-сонли таркиб 81 мас.% форстерит фазасидан ташкил топган бўлиб, унинг оловбардошлиги $1750^{\circ}C$ тенглиги ва юқори оловбардош материаллар синфига мансублиги аниқланди. Тадқиқотлар натижасида оловбардош форстерит буюмлар ишлаб чиқариш технологик регламенти ишлаб чиқилди («Огнеупор» ССКнинг 2018 йил 5 декабрдаги регламенти). Форстеритли оловбардош махсулотлар иссиқлик агрегатлари, регенератор ва мартен печларни қўриш ҳамда термик химоялаш учун тавсия этилди.

1500°Сда куйдирилган материалларнинг минералогик таркиби яриммикдорий рентгенфазавий таҳлил ёрдамида тасдиқланган: корунд Al_2O_3 - 60 - 70% ва шпинель $MgAl_2O_4$ - 30 - 40 % (7-расм). Кубик шпинелнинг кристалл панжара параметрлари қўйидагича: $a=0,8078$ нм ($8,0775 \text{ \AA}$) ва картотека шпинел эталони №00-075-1796 (Match, $a=8,0788 \text{ \AA}$, пр.гр. $Fd3m$) кўрсаткичларига мос келади.

Магнезиал-корунд материалларда шпинел фазасини ҳосил бўлиши оловбардош композицияларнинг шлакка чидамлилигини ошишига олиб келади.


Тадқиқотлар натижасида синтез қилинган материалларда (75-78 оптимал таркиблар) шпинел ҳосил бўлиш жараёни анъанавий шпинел олиш жараёнларига (1750°C) қараганда паст ҳароратда (1450°C) кечади ва натижада оловбардош маҳсулотлар олишда кескин энергия тежаш имконияти мавжуд бўлади.

Шпинел-корунд таркибли керамик намуналарнинг (№ 70-82) физик-механик ҳоссалари: зичлиги - 2520 дан 2770 кг/м^3 , сув ютувчанлиги - 10,52 дан 11,71 % гача, очик ғоваклик - 27 дан 31 % гача, туюлувчан солиштирма оғирлик - 2420 дан 2750 гача; намуналарнинг сиқилишга мустаҳкамлиги 100 дан 120 МПа гача ва оловбардошлиги - 1800°C дан баландлиги аниқланди.

Материалларнинг шлакка бардошлиги Олмалик тоғ-металлургия комбинатининг металлургия шлакига нисбатан статик усулда аниқланди ва 1550°C ҳароратда 2 соат давомида текшириш натижасида кимёвий бардошлиги ҳамда суяқ металл таъсирига чидамлилиги бўйича оптимал этиб № 75-77 таркиблари танланди. Тажриба керамик намуналарнинг ичига шлак кириш чуқурлиги 0,25-0,3 см, ҳозирги вақтда саноатда қўлланилаётган шамотли оловбардошларда 1,5-2,2 см ташкил этиши аниқланди, бу эса оптимал № 75-77 таркибларнинг металлургия шлакларига таъсирига юқори чидамлилиги ҳақида маълумот беради. Шлакнинг керамик намуна ичига кириши оз миқдорда фазалар чегараси ва намуналарнинг ғовакларига орқали намоён бўлиши аниқланди.

Оптимал № 75-77 таркиблар саноат чиқиндилари асосида синтез қилинди: Al_2O_3 манбаси сифатида Шўртан газ-кимё мажмуаси глинозёмли чиқиндиси қўлланилди (ССК-4 таркиби). «Огнеупор» корхонаси ҳулосасига кўра синтез қилинган керамик намуналарнинг оловбардошлиги 1800°C дан юқори бўлиб, улар юқори оловбардошлар турига мансуб («Огнеупор» ССКнинг 13.01.2017 йилдаги синов протоколлари, «О‘зсаноатқуриш материаллари» уюшмасининг 15.05.2019 йилдаги 03/06-358-сон маълумотномаси).

Диссертациянинг «Йўналтирилган пиролиз усули ёрдамида синтез технологиясини яратиш ва синтез қилинган композитларнинг структураси, ҳамда ҳоссалари» деб номланган еттинчи боби йўналтирилган пиролиз усулида техник керамика маҳсулотларини синтез қилиш натижалари, шунингдек синтез қилинган композитларнинг структура ва ҳоссаларини ўрганишга бағишланган.



8-расм. CGC-2 керамик намуналарнинг СЭМ тасвири: алюминий оксинитриди кристаллари ўсиши.

